

YOSHLAR OVOZI

MUNOSABAT

ХАЛ ЭТИЛМАГАН МАСАЛА ҚОЛМАДИ

Ўзбек ва тожик — қуданда бўлиб, борди-келиди қилиб яшаган икки элнинг илдизлари бир дарёдан сув ичган. Уларни умумий тарих, маънавий ва маданий қадриятлар боғлаб туради. Лобар қизларимиз тожик диёрига келин, алп ўғлонларимиз куёв бўлган. Бироқ яқин-яқингача улар она Ватанига келиб-кейтиша қийналарди — бу йўлда муайян тўсиқлар бор эди. Мана энди икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги боқичга кўтарилмоқда. Ўтган йили мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида авиа ва темир йўл қатнови қайта тиклангани, Самарқанддан Панжикентгача халқаро автомобиль йўлининг очилгани фикримизни тасдиқлайди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Президенти

Имомали Раҳмоннинг таклифига кўра ушбу юртга қилган давлат ташрифи эса, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ташриф доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида дўстлик ва яхши кўшилишни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ,

божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзолангани нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа учун улкан аҳамият касб этиши турган гап. Душанбе шаҳрида ташкил қилинган “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” кўргазмаси, Ўзбекистон – Тожикистон қўшма бизнес-форуми, Тожикистон — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши биринчи йиғилиши ҳам истиқболимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасида савдо ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишга хизмат қилишига ишончимиз комил. Дарвоқе, кўргазма аввалида Шавкат Мирзиёев

ва Имомали Раҳмон “Ғалаба – Амузанг – Хошади” темир йўл линиясининг очилиш маросимида ҳам қатнашди. — Вилоятимизни Тожикистоннинг Хатлон вилояти билан боғлайдиган Гулбахор назорат пунктининг очилиши барчамизни қувонтирди, — дейди бойсунлик тенгдошимиз Бобур Собиров. — Азалдан ўзбек ва тожикларга икки тилда сўзлашувчи бир халқ, дея таъриф берилиши бежиз эмас. Темир йўл линиясининг очилиши бизни қардош халққа янада яқинлаштирди. Қанчадан-қанча юртошларимиз кўшни республикада яшаётган қариндошлари билан дийдорлашиш имконига эга бўлганини айтмайсизми. Ташриф давомида маданий-гуманитар ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор

қаратилди. Хусусан, ўзбек тилини Тожикистонда, тожик тилини Ўзбекистонда ўргатишни такомиллаштириш, ўқув ҳамда бадий адабиётлар, даврий, илмий нашрлар алмашинувини йўлга қўйиш, икки халқ мумот ва замонавий адабиёти вакиллари асарларини таржима қилиш кераклиги таъкилланди. Бу эса, эндиликда икки мамлакат олий ўқув юртлари ва фанлар академиялари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам янада ривожланишини англайди. Натижада тожик адабиёти ва илм-фани билан яқинроқ таниша оламиз. Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи ғоятда самарали ва сермахсул ўтди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, ўртада ҳал этилмаган масала қолмади.

Жавлон ВАФОВ

ESHITDINGIZMI?

СУРХОНДАРЁДА ШИФОКОРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Ҳукумат Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Янги бўлинма юридик шахс мақомида фаолият кўрсатмоқда. Жорий ўқув йили учун филиалга контракт асосида 300 нафар абитуриент қабул қилинди. Ўқишни тасмоллагач, улар профессионал



фаолиятини оилавий поликлиникалар

ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида бошлайди.

МУРОЖААТНОМАНИ ҚИРҒИЗЛАР ҲАМ ЎҚИЙДИ

Президентимиз 2017 йил 22 декабрь кунин Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасининг тўлиқ матни қирғиз тилида чоп этилди. Китобнинг тақдироти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтди.



TANLOV



«УЧҚУН» БИРИНЧИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан “Энг намунали сардорлар кенгаши” кўрик танловининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқичи ўтказилди. Танловда 8 гуруҳ иштирок этади. Улар “Бу бизнинг ишчанлигимиз, бизнинг фаолиятимиз”, “Бизнинг имкониятимиз” ва “Интеллектуал ринг” шартлари бўйича ўзаро баҳslashди.

32-умумтаълим мактабининг “Науше” гуруҳи “Имконияти чекланган болаларни китоб ўқишга қизиқтириш” лойиҳаси билан қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. 8-10 синф сардорлар кенгаши ўртасида Хўжайли тумани 3-умумтаълим мактабининг “Учқун” гуруҳи биринчи ўринни кўлга киритди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан тайёрланган “Камалак” кубоги, махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А.НАСИРАЕВ,
ЎЗА мухбири

SAN'AT

«БАҲОР НАФАСИ» ФЕСТИВАЛИ ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимизда бошланган «Баҳор нафаси» халқаро мусиқа санъати фестивали ранг-баранг концертлар, ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқларига бойлиги билан санъат шивавандалигига манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг орган залда мазкур фестиваль доирасида ташкил этилган концерт бунинг яна бир амалий исботи бўлди. Унда «Ўзбекистон солистлари» камер оркестрининг мусиқий дастури томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Мамлакатимизда мусиқа санъатининг барча йўналишларини изчил равнақ топтириш, ижод аҳлининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги, Ўзбекистон

оркестрлар бирлашмаси томонидан ўтказилаётган мазкур фестивалдан кўзланган асосий мақсад халқимизни мусиқа санъатининг нодир ва бетакрор намуналаридан баҳраманд этиш, юртимизда фаолият кўрсатаётган оркестр ва бадий жамоалар фаолияти билан кенг таништиришдан иборатдир.

Концертларда ўзбекистонлик ижрочилар билан бирга хоризлик мусиқачилар иштирок этиши ижодкорларнинг ўзаро мулоқоти, фикр ва таъриба алмашиши учун кенг имкониятлар яратди. Лойиҳа доирасидаги ранг-баранг дастурулар мусиқа, театр, рақс санъати каби йўналишларни қамраб олгани наинки Тошкент шаҳри, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилиши билан аҳамиятлидир.

Уч ой давомида Ўзбекистон оркестрлар бирлашмаси таркибидаги

жамоалар – «Ўзбекистон солистлари» камер оркестри, «Туркистон» камер оркестри, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, Миллий эстрада оркестри ва бошқа жамоаларнинг энг сара дастурулари, янгиланган репертуаридан баҳраманд бўлиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, пойтахт театрларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, ҳудудий театр жамоаларининг эса Тошкент шаҳрида энг сара спектакллари намойиши кўзда тутилган.

«Ўзбекистон солистлари» камер оркестри иштирокидаги концертда жаҳонга машҳур бастакорлар Франц Йозеф Гайдн ҳамда Антонио Вивальди асарларидан намуналар янгради.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

18 ЁШГАЧА МУМКИН ЭМАС!

2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун жорий йил 10 мартдан

кучга кирди. Унга кўра, оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали тарқатилётган медиа маҳсулотларда 0+, 7+, 12+, 16+, 18+ ёзувлари акс эттирилиши шарт.



Қўқонда БУЮК АЛЛОМАЛАР МУЗЕЙИГА АСОС СОЛИНДИ



Ташаббус давлатимиз раҳбарига тегишли. Экспозиция учун ўрта асрлар, Темурийлар даври, Қўқон хонлиги ва мустамлакага қадар яшаб ижод этган алломаларимизга оид экспонатлар, асарлар, суратлар йиғилмоқда.

Бозорларимизда “АРТ САЛОН”ЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ

Шу билан биргаликда яқин истиқболда 23 шаҳар ва туманда ҳурмандамандликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш режалаштирилган.



“MADE IN UZBEKISTAN” Ашхободга кўчади



29-31 март кунлари шу номдаги миллий сановат кўргазмасини Туркменистон Республикасида ўтказиш кўзда тутилган. У икки мамлакат Савдо-

сановат палаталари ҳамкорлигида ташкил қилинмоқда. Йирик форумда 100 дан зиёд сановат корхонаси иштирок этади.

Ўз ахборотимиз.



“GOOGLE” ҲАМКОРЛИКНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ

2



БАХШИЛИК — МЕРОС ҲУНАР

3



ТОПГАНИМИЗ ТҮЙГА БУЮРСИН!

4

FORUM


Пойтахтимизда "Animal keeping" ветеринария ва зоотехника форуми бўлиб ўтмоқда.

ЁШ ЧОРВАДОРЛАР УЧУН ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Шу муносабат билан Ёшлар пресс-клубида "Ёш чорвадорлар учун янада кенг имкониятлар" мавзuida очик мулоқот ўтказилди. Унда ветеринария соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган юртимиз ва Россия олимлари, чорвадорлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Нита-Фарм" компанияси, Ёш фермерлар кенгаши ҳамда Давлат ветеринария қўмитаси ҳамкорлигидаги ташкил этилган форум доирасида иштирокчиларга чорва ҳайвонларида учрайдиган инфекцион касалликларни даволашнинг замонавий методлари ҳақида батафсил маълумот берилди.



Очик мулоқот давомида ёшлар ўзлари дуч келаётган муаммолар

навий методлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Очик мулоқот давомида ёшлар ўзлари дуч келаётган муаммолар

ечими юзасидан экспертлардан керакли тавсия ва маслаҳатлар олди. Яқинда фермерларга чорва молларидан юқори самара олиш, чет элдан олиб келинган чорва ҳайвонларини республикаимиз иқлим шароитига мослаштириш каби мавзуларда тайёрланган тақдимотлар намойиш этилди.

ETIROF

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБЛИК МАНА ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Юртимизда иқтидорли ёшларни излаб топиш ва рағбатлантириш мақсадида кўпгина лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулардан бири Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан жорий йилда таъсис этилган "Навоий ворислари" кўрик-танловидир.

Мазкур беллашув мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилиб, эртаимиз эгалари буюк бобомизнинг ўлмас меросини ўрганишга нечоғлиқ иштиёқманда эканини намойиш этди.

— Танлов баҳонасида инсон имкониятлари чексиз эканига яна бир карра амин бўлдим, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, навоийшунос Дилнавоз Юсупова. — Унда қатнашган йигит-қизлар олти-етти ёшида

"Мантқиқ ут-тайр"ни ёд олган Мир Алишернинг ҳақиқий ворислари эканини амалда исботлади. Масалан, Фарғонадан келган бир ўқувчи юздан ортқ газални ёд олибгина қолмай, ҳар бирининг тактиб (парадигма)-сини аниқлашга ҳаракат қилгани ва шу тактиб асосида байтларни бехато ўқигани мени ажаблантирди. Ҳа, бундай ёшлар ўз тенгдошларидан анча илгариллиб

кетган. "Навоий ворислари"дек танловлар орқали келажакда мумтоз адабиётимиз билдимонлари етишиб чиқишига ишончим комил.

Беллашув жарёнида Сарийосиё туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Шаҳзодагон Раҳмонова Навоийнинг 457 газалини, шунингдек, 366 минг байтдан иборат "Лисон ут-тайр" достонини ёдлагани аниқланди. Ҳайъат аъзолари бу ноёб

иқтидор соҳибини танлов кашфиёти, дея эътироф этгани бежиз эмас.

— Фарзанди ортидан раҳмат эшитиш ҳар бир ота-онанинг орзуси, — дейди Шаҳзодагоннинг онаси Шарифа Алибоева. — Қизимнинг эслаб қолиш қобилияти жуда кучли. Оиламизда адабий муҳит ҳукмрон. Шахсан ўзим Навоий шеърини муҳлисман. Бу жиҳат қизимга ижобий таъсир кўрсатган.

Истеъод — уммон тубидаги дурга ўхшайди. Уни топиб, ишлов берсақина, бебаҳо хазинага айланиши мумкин. "Навоий ворислари" танлови мана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

BIZNESGA QADAM

ТОМОРҚАДАН ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИГА

Сардор БЕКЖОНОВ

Ёшлар иттифоқининг Қўшқўпир тумани кенгаши қошидаги "Ёш тадбиркор" консултатив маркази "Бизнес автобус" лойиҳасини йўлга қўйди.



Ўғил-қизларни инновациялар яратишга ундаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бугун давлатимиз эътиборидаги масалалар. "Бизнес автобус" лойиҳаси айнан шу мақсадда ишлаб чиқилган. Унга шахсий бизнесини бошлаш истагида юрган тенгдошларимиз, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

Шу аснода ёшлар туманидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда. Илк манзил оилавий тадбиркор сифатида помидор етиштириб келаётган Шоҳиста Матназарованинг хонадонини бўлди. Бу тенгдошимиз Ёшлар иттифоқи кўмаги билан банкдан имтиёзли шартлар асосида 74 миллион кредит олиб, томорқасида иссиқхона ташкил этган.

Тафсилотлар ҳақида ёш тадбиркорнинг ўзи сўзлаб берди.

Сўнгра "Бизнес автобус" йўловчилари кўзиқоринчилик ҳамда паррандачилик билан шуғулланаётган Эркинбой Алиевнинг ҳузурига ошқиди. Унинг фаолияти ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Уша жойнинг ўзида сайёр семинар ўтказилиб, ўғил-қизлар барча саволларига атрофлича жавоб олди.

Кун давомида ёшлар туманида анча танилган "Қўшқўпир парранда" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улугбек Мадаминов билан ҳам суҳбатлашиб улгурди. Айни вақтда унинг фабрикасида 24 минг бош товух боқилиб, кунига 20 мингдан зиёд тухум олинади. Бундай ҳолат лойиҳанинг аксарият иштирокчиларини ҳайратлантириб, фермерликка иштиёқини кучайтирди.



YUKSALISH

"GOOGLE" ҲАМКОРЛИКНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва "Google" корпорацияси юқори малакали ИТ-мутахассисларни тайёрлаш ва ёшлар стартапларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорлик қилмоқчи.



Кунни кеча бу борада ТИУ ректори Сарвар Бобоҳўжаев ҳамда халқаро гигантнинг Туркия, Кавказ ва Марказий Осиёдаги

ишлаб чиқувчилари билан ишлаш бўйича раҳбари Бариш Йесугей музокара олиб борди. Иккала томон ҳамкорлик доирасида қўшма ўқув дастурларини

ишлаб чиқиш истагини билдирган.

Жаноб Йесугей Тошкентга ташрифи доирасида юртимизда илк бор ўтказилган "Women

Techmakers – 2018 International Women's Day Celebration" тадбири ("Google"нинг аёллар инновацион фаолигини оширишга қаратилган глобал дастурида иштирок этди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг ўқув бинолари, талаба ва педагоглар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Олий ўқув юрти вакиллари билан мулоқот чоғида мартбали меҳмон корпорациянинг Ўзбекистондаги ИТ-компанияларини ҳамкорликка чорлашга доир режалари хусусида гапириб берди.

Таъкилланганидек, "Google"да маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ахборот ва техник кўмагини кўрсатиш мақсадида махсус GDG гуруҳлари ("Google Developer Groups")ни тузиш амалиёти мавжуд. Икки ҳафта олдин бундай гуруҳ Тошкентга ҳам фаолият бошлагани. Эътиборлиси, мазкур ташаббусни Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари илгари сурган. Бариш Йесугей "GDG Tashkent" фаолиятини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини айтди. Узаро ҳамкорлик юзасидан музокаралар давом этмоқда.

BANDLIK DASTURI — AMALDA

558 ФУҚАРО ИШГА ЖОЙЛАШДИ

Фарғона шаҳрида ташкил этилган сайёр меҳнат ярмаркаларининг натижаси шундай

Фурқат ТОШБОБОВ

Ёшлар иттифоқи ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳа доирасида 123 корхона аҳолига 2 минг 153 та бўш иш ўрнини таклиф қилди. Натижада 558

нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчилари ва уюлмаган ёшлардир.

— Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ишга жойлашдим, — дейди

Азиза Ҳожиматова. — Энди коллежда олган билимларни амалиётда қўллаб, ўз касбининг малакаси мутахассиси бўлиб етишишга ҳаракат қиламан. Ярмарка ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.



EKO FESTIVAL

ТАБИАТГА МУҲАББАТНИНГ РАНГИН ИФОДАСИ

Миркарим МИРСОВУРОВ

Пойтахтимизнинг Яқнасарой туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида "ЭКОСАН" халқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда "Ранглар жилоси" деб номланган экофестиваль ташкил этилди. Унда марказдаги тўғарақларда шуғулланаётган иқтидорли ёшлар ўз ижод намуналари билан қатнашди.

она табиатга бўлган меҳр-муҳаббатини турфа ранглар уйғунлигида ифодалашга ҳаракат қилган.

Танлов натижасига

қўра, 1-уринга 118-умумтаълим мактаби ўқувчилари — Азиза Асқарова, Шаҳзода Ҳасанов ҳамда 155-умумтаълим мактаби

ўқувчиси Мадина Жўраева сазовор бўлди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва совғалари топширилди.



Экспозицияда "Экология ва мен" кўрик-танлови доирасида

саралаб олинган суратлар намойиш этилди. Уларда ёшлар

TASHABBUS

НАСИБА ИШГА ЖОЙЛАШДИ, САРВАРБЕККА ЯНГИ АРАВАЧА БЕРИЛДИ

Барно ЯКУБОВА

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан воҳада "Ёшлар ҳафталиги" ўтказилмоқда. Масъул ходимлар ўрганиш ишларини Гурлан туманидан бошлади.

фақа эвазига кун кўрмоқда. Иттифоқ вакиллари унга елкадош бўлиб, шу куннинг ўзида 33-мактабга таълим муассасасидан иш топиб берди.

— Ҳеч кутмаганим, — деди Насиба кўзига ёш олиб, — Иттифоқдагилар ҳатто яқин инсонларим қилмаган ишни қилди. Қариндош-уруғ биздан анчадан буюн хабар олмай кўйган. Солиқдан катта қарз бўлиб қолганим. Бу ёқда рўзгор ташвиши. Хуллас, жонимдан ўтганини ўзим билмаман. Бош уриб борманган жойим қолмади. Шўқри, Ёшлар иттифоқи бор экан. Мансур ака оғиримизни оз бўлса-да енгиллаштирди. У кишидан жуда миннатдорман! Гулистон қишлоғининг яна бир

фуқароси — 6-синф ўқувчиси Сарварбек Болтабоевнинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлигидан хабар топган ишчи гуруҳ аъзолари унинг хонадонига куруқ қўл билан кирмади. Ўспиринга орзиқиб кўтилган аравача муҳайё этилди.

Кейинги манзилда Маралжон Ҳожибоева уч нафар фарзанди билан яшар экан. Кенжаси туғма ногирон: юриш ва ўтиришга мадори йўқ. Шундай мусибатга чидаб келаётган онаизорга Ёшлар иттифоқи кир ювиш машинаси совға қилди. "Ёшлар ҳафталиги" доирасида мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари билан ҳам мулоқотлар ўтказилмоқда.



Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши ходимлари тўрт манзилга бўлинган. Кенгаш раиси Мансурбек Машарипов бошчилигидаги гуруҳ туман марказидан 70 километр узоқликда жойлашган Туркменистон Республикаси билан чегарадош Гулистон қишлоғида яшовчи аҳоли, хусусан, жисмоний имконияти чекланган ёшлар ҳолидан хабар олди. Шунинг-

дек, маҳаллалардаги нотинч оилалар, жиноятчиликка мойиллиги бор йигит-қизлар аниқланиб, уларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилди. Муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилинди.

Масалан, ота-онасидан етим қолган 17 ёшли Насиба Абдуллаева ҳозирда икки нафар ўқаси билан фақат давлат томонидан тайинланган на-



TAJIRIBA

"ХАВФСИЗ ХУДУД" ПОСБОНЛАРИ

нималар билан машғул?

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилояти кенгаши ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида "Хавфсиз ҳудуд" посбонлари клуби ташкил этилди. Янги тузилмага ҳарбий хизматни ўтаб, ҳозирда олий ўқув юртлирида таълим олаётган, шунингдек, вақтинчалик ишсиз ёшлар аъзо. Уларнинг асосий фаолияти ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган. Бу йўлда амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

йўли билан уларнинг мобил телефонини ўғирлаб кетган.

Саросимага тушган йигитлар шаҳарда махсус кийимдаги "хавфсиз ҳудуд" посбонларига дуч келади. Кўнгилсиз воқеани айтиб бериб, ёрдам сўрайди. Дастлаб жабранувчилар билан Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши раиси Рустам Қобилов сўхбатлашади. Жинорий тўда ҳаракатланган автомобилнинг русуми ва давлат рақами аниқлангач, бу ҳақда зудлик билан ички ишлар бўлимига хабар берилди.

Суриштирув жараёнида жиноятни тўрт нафар йигит

содир этгани маълум бўлди. Бири Жиззах вилоятининг Бахмал туманидан, қолганлари самарқандлик. Ачинарлиси, қинғир ишга қўл урганларнинг энг каттаси бор-йўғи 23 ёшда. Уюшган тўда чекида нақ олтига ўғрилик жинояти борлиги кишини янада ажаблантиради. Уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилади.

Кўза кунда эмас, кунда синади, дейдилар. Ушбу нақлни тенгдошларимиз яхшилаб ўқиб олишини истардик. "Хавфсиз ҳудуд" посбонлари" эса, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

BOQIY QADRIYATLAR

БАХШИЛИК — МЕРОС ҲУНАР

Мухаммад ЭШБОЕВ, бахши

Воҳада тўй бахшисиз ўтмайди. Дастурхон эмас, тўрдаги бахши тантананинг қимматини белгилаб беради.



Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов ҳали ҳам эл хизматига. У юзлаб шоғирлар тарбиялаб, бахшичилик анъаналарининг барлавоми бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Устозимиз Қодир бахши иштирокидаги тўйлар бир неча кун давом этган. У кечяро кундуз тинмай дoston куйлаганида халқ ўрнидан жилмай, жон қулоғи билан тинглаган. Яна бир устозим Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов ҳали ҳам эл хизматига.

У юзлаб шоғирлар тарбиялаб, бахшичилик анъаналарининг барлавоми бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ана шундай улуғ инсонлардан сабоқ олиш менга ҳам насиб этганидан фахрланаман. Думбирани қўлга олганимда елкамда тоғдек масъулият борлигини ҳис қилдим.

Устоздан дуо олиб, қўшиқ айта бошлаганимга ҳам ўттиз йил бўлди. Лекин ҳалиям қандай қилиб бахши бўлиш мумкин, деган саволга жавоб топганим йўқ. Билгичлар: "Бахшилик — ҳунар эмас,

мерос", дейди. Одамнинг қонинда, замонавий тил билан айтганда генида бўлмаса, қийин экан! Шу гапларни эшитганимда ота-онамнинг волидалари — Ерқиной ва Соат момоларни эслайман. Уларнинг алласи ҳали-ҳамон қулоғимда янграйдди. Момоларим шунчаки алла айтмасди. Чинакам қўшиқ қилиб, узидан қўшиб, юраги жушиб куйларди. Бизга насиҳат қилар чоғларида ҳар галига мақол қўшиб сўзларди. Энди ўйлаб қарасам, уларнинг айтганлари бошдан-адоқ ҳикмат экан.

Падаримиз Темиралӣ бобо Эшбоев ҳам баобуру одам. Китоб кўрган, унча-мунчага сўзи ўтайдиган полвон эди. Унингизда китоб кўп ўқиларди. Отамнинг даврадошлари тонгортаргача дoston мутулаа қилиб, маъно-мазмун ҳақида гурунглашарди. Уларга чой ташиб баҳонасида сўхбатига қулоқ тутардим. Бахшилик мана

шундай давралар нафасини олишдан бошланар, балки.

Биласиз, бахшилар доимо эл ичида юрган. Халқнинг дарду ташвишини куйлаган. Аммо бугун бахши номига доғ тушираётганлар ҳам бор. Бу ўша "оломон маданияти"нинг таъсири бўлса керак. Очиғи, ҳозир тўйга бораётган баъзи "замонавий" бахшилар думбирани турди нағмада чапиб, ҳали хориж, ҳали ўзимизнинг эстрада қўшиқларини ярим

чала куйлашдан нарига ўтолмаяпти.

Азалдан устозидан дуо, ижозат олманган бахши тўйларга чорланмаган. Қон-қариндоши, тенг-тўшларидан бошқаларга қўшиқ куйламаган. Биз айтаятган сохта бахшиларга устозлар дуо бериши нари турсин, уларнинг танбеҳи ҳам таъсир қилмайди...

Ўтган йили Президентимиз Сурхондарё вилоятига

ташрифи чоғида бахшилар мактабини очишни таклиф қилганди. Жорий йилда ўша мактаб ишга тушди. Давлатимиз раҳбарининг шаҳсан ўзи келиб кўрди, устозларимиз билан учрашди. Бахшиликни ривожлантириш кераклигини ўқирди. Бу гапларни эшитиб, кўксим тоғдек юксалди. Негаки ёш авлод асл қадрият билан яқиндан танишса, "замонавий" бахшиларга эҳтиёж ҳам, ўрин ҳам қолмайди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ТОЖИКИСТОНГА ТАШРИФ: ОҚИЛОНА СИЁСАТ САМАРА БЕРЯПТИ

Президентимизнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи халқаро ҳамжамият доирасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Душанбедаги ўзбек-тожик музокараларини Германиянинг сиёсий ва эксперт-таҳлил гуруҳлари ҳам диққат билан кузатиб боради. Баъзи мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Бремен ер парламенти президенти Кристиан Вебернинг сузларига қараганда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбари бўлганидан буюн мамлакатдаги вазият шиддат билан ижобий томонга ўзгармоқда. "Тошкент ташқи сиёсий муносабатлар, айниқса, қўшни республикалар билан алоқаларини жонлантирди, — дея таъкидлади эксперт. — Ўзбекистон тўғри йўлни танлаган ва бу ҳозирда ноқ ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, мамлакат етакчисининг Тожикистонга давлат ташрифи сўзсиз тарихий воқеага айланди, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичга кўтарилишига имконият яратди. Кўриб турганимиздек, бу борада Шавкат Мирзиёев ўзини кучли ислохотчи сифатида намоян эътибор.

— Охириги вақтда Марказий Осиё минтақасида юзага келган вазиятни ҳисобга олганда, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги

музокараларнинг қайта жонланишини мен мўъжиза сифатида қабул қиламан, — дейди Берлиндаги Шарқ-Европа ва халқаро тадқиқотлар маркази илмий ходими Беате Эшмент. — Бир неча йил олдин бу ҳақда ҳатто ўйлаб бўлмамасди. Ўзбекистон қўшни давлатлар билан алоқаларни тиклаш ташаббусини ўз қўлига олгани, айниқса, эътиборли жиҳат. Бу кўпдан буюн тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Хусусан, бугун Тожикистон ва Ўзбекистонни боғлаб турган темир йўл линияси ишга тушгани, бир қанча чегара постлари очилганини кўриб турибмиз. Қариндош ва қўшнилари билан дўстона муносабатда бўлиш ҳақиқат тинчлик ва барқарорлик омили бўлиб келган. Бу ҳолат икки қардош халқни бир-бирига янада яқинлаштириб, тараққиётга хизмат қилишига ишонаман.

"САЁҲАТЛАР ОЛАМИ" МАҚОЛА ЧИҚАРДИ

Исроилда нашр этилган "Саёҳатлар олами" журналининг февраль сониди "Энди Ўзбекистонга визасиз сафар қилинади" сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мақолада 2018 йилнинг 10 февралдан Ўзбекистонда етти мамлакат, жумладан, Исроил фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз келиш тартиби жорий этилгани хусусида маълумот берилган. Қайд этилганидек, Исроилда бир пайтлар юртимиздан кўчиб кетган қарийб 100 минг нафар фуқаро истиқомат қилади. Энди улар ҳеч бир қийинчиликсиз Ўзбекистонга келиши, ота-боболари яшаган жойларни зиёрат қилиб, қариндош-уруғлари, астути биродарлари билан дийдорлашиши мумкин.

"Ўзбекистонда умумжаҳон аҳамиятига молик 7 минг 300 дан

зиёда тарихий қадамжо мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Фарғона водийси сингари сайёҳлик марказлари бутун дунёга машҳурлар", — деб ёзади журнал. "Саёҳатлар олами" ўз ўқувчилари эътиборини ўлкаимизнинг ажойиб табиатига қаратган. Сайёҳлар Чимён тоғларида чангида учуши, Сурхондарё ва Зоминнинг тоғли ҳудудлари бўйлаб пиёда юриши, от ва туяларда сайр қилиши, ҳатто ҳақиқий ўтовда тунаши мумкин.

Мақола якунида мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасида қилинаётган ўзгаришлар тилга олинган.

ИНГЛИЗЛАР ЮКСАЛИШИМИЗ ТАРАФДОРИ

Буюк Британиядаги элчихонамиз томонидан Лондон шаҳрида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш масаласига бағишланган давра сўхбати ташкил этилди.

Унда Бирлашган Қиролликнинг туристик компаниялари вакиллари қатнашиб, видеоконференцадоқа тизими воситасида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларининг ҳоким ўринбосарлари ҳамда маҳаллий туроператорлар билан мулоқот қилди.

Ўзбекистонда зиёрат туризми учун мавжуд имкониятлар ҳақида Ислоом маданияти маркази раҳбари Шоазим Миноваров сузлаб берди. Британиялик мутахассислар ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Хусусан, Британия мустақил туроператорлар уюшмаси (АТО) раиси Кейт Кенворд мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини юқори баҳолаб, британияликлар Ўзбекистонга тобора қизиқиш билдираётганини

қайд этди. "TransIndus" компанияси менежери Эйдан Макфаннинг сузларига қараганда, Ўзбекистон бетакрор табиий шароитга эга мамлакат. Шунингдек, Бухоро, Хоразм вилоятларининг ҳоким ўринбосарлари ҳамда маҳаллий туроператорлар билан мулоқот қилди.

"Юртингиздаги муқаддас қадамжолар мени ўзига тортмоқда, — дея таъкидлади учрашувнинг яна бир иштирокчиси, "El Sawy" компанияси директори Эл-Сави. — Улар муслмон оламида ўзига хос ўрин тутади. Ўзбек туроператорлари билан зиёрат туризми бўйича ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни мақсад қилдим. Мамлакатларимиз ўртасида чартер рейсларини йўлга қўйсақ, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

"Ҳаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

DOLZARB MAVZU

ТОПГАНИМИЗ
ТЎЙГА БУЮРСИН!

Кейин-чи?

"Қадриятим — қимлатим"
ишодий ишлар манлоби

Оттабек БАКИРОВ, ўқувчи

Эрталаб мактабга келсам, ҳаммамнинг оғзида бир гап: "Кеча тўйхонага кетаётган келин-куёвга йўл-патруль хизмати ходимлари каттагина жарима солибди. Камига ижарага олинган ўн бешта сўнгги русумдаги автомобиль жарима майдончасига элиб қўйилган"



келтирган айбдорлар жавобгарликка тортилан.

Никоҳ оқшомларидаги дабдабаю кимизарлик ҳолатлари ижтимоий ҳаётимизнинг оғриқли нуктасига айланди. Оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётганига қарамай, айна дамба "Ўзи хон, куланкаси майдон" бўлган баъзи ўзбошимчалар ханузгача исрофга йўл қўймоқда.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳаммамнинг молиявий шароити турлича. Кимнингдир чўнтаги дабдабани кутарса, бошқа бировнинг қўли калталик қилади. Аммо жигарбандимнинг сўраганини муҳайё қилишга ўрганиб қолган ота-оналар умр бўйи йигиб-терганини бир кунлик ҳою ҳавас, деб қўққа совуриш билан овора. Кошкиди, бу фидоийликни ёшлар қадрласа. Эртанимиз эгаларининг худбинона хатти-ҳаракати яқинлар меҳрини суистеъмол

қилишдан ўзга нарса эмас.

Дадамнинг айтишича, бундан йигирма-ўттиз йил аввал йигит-қизларимизда ор-номус, ибодат, андиша тушунчалари юқори бўлган. Тўйгача икки ёш ҳам қаллигининг оила аъзоларидан уялиб, улардан ўзларини олиб қочган. Бугун эса, аксини кўряпмиз. Куёвтуралар никоҳдан олдин бўлган умр йўлдошини оила аъзолари билан таништиради. Бу ҳам етмаганидек, аксар қизларимиз келинлик уйи остонасидан ўтмай туриб, куёвнинг онаси билан бозорга тушмоқда.

Алинка, келинга қўшиб манший техника ва мебеллар дўконларини уйига кўчириб келиши истаганидан тўй учун миллионлари ҳавога совурмасдан, ота-оналаримизни сийқатларига, зийратларига юборайлик. Ким бошлар экан, деб қўтиб ўтирмаган. Ўзингиздан бошланг, тенгдошим!

хона уйни бошдан-оёқ жиҳозлаб беришинг ўзи бўладими, ахир?! Бу кетишда қиз фарзанд туғилишидаги норозиликлар ва оилاداги можаролар кўпайиши турган гап.

Бугун эпли келин эмас, сепли келин излаш урфга айланиб қолди чоғи. Яшириб нима қилдик, "замонавий" куёвлар эгнидаги кўйлагидан тортиб, игнаю тутмачасигача қиз томондан оляпти. Бу моддий эмас, маънавий қашшоқликнинг ўзгирганини кўряпмиз. Оқибатда топганини тўйга сарфлаган ота-она қолган умрини ҳам меҳнатга сарфлаб, йиққанини қарз тўлашга, орттирганини эса, давомий орзу-ҳавасларга ишлатишга мажбур. Шу билан ёшлар тинчиб, аҳил-иноқ яшаб кетса яхши, келишиб кетолмасачи?

Ана шундай муаммоларнинг келиб чиқиши айнан фарзанд тарбиясидаги нуқсонларга бориб тақалади. Тўйдан олдинги ва кейинги машамалар давом этмаслиги, дабдабали тўй илатидан қутулишимиз учун тарбияни, аввало, ўзимиздан бошлашимиз керак.

Азиз ёшлар! Меҳрибон ота-оналаримиз бизни асраб-авайлаб, вояга етказиб, барча хоҳиш-истакларимизни бажарди. Меҳр-муруват курсатиш навбати энди бизга етди. Бундан тўён керакисиз дабдаба учун ота-онамизни ҳаловатдан мосуво этмайлик. Ахир, никоҳ кечасини қатор автомобиллар, шохонга тўйхоналару "Love story" ларсиз ҳам чиройли ўтказиш мумкин. Келинг, асл қадриятларимизни сақлаб қолайлик! Бир неча солида ўтаган тўй учун миллионлари ҳавога совурмасдан, ота-оналаримизни сийқатларига, зийратларига юборайлик.

Ким бошлар экан, деб қўтиб ўтирмаган. Ўзингиздан бошланг, тенгдошим!

Дастурхонга етти хил таом тортилади

Азиза БОБОМУРОДОВА Самарқанд шахри

Наврўзни жуда яхши кўраман. Чунки мен яшайдиган жойда бу байрам-ни турли миллат вакиллари — ўзбек, озарбайжон, тожик ва бошқа миллат вакиллари бирга нишонлаймиз.

Айём арафасида аёллар, албатта, миллий матодан либос кияди. Шунингдек, бир кун олдин хилма-хил пишириқлару кўклам таомларини тайёрлаймиз.

Наврўз кунини эрта тонгдан уйғониб, ҳовиларни супуриб, тозалаймиз. Ундан сўнг дастурхон тузаймиз. Дастурхонга етти хил таом тортилади. Биринчиси — олма бўлиши шарт.

Бутун бўлсин, деган ниятда олдиндан ундирилган бугдой кўйилади. Биздаги анъанага мувофиқ, байрам дастурхонига етти хил таом ва саломатлик рамзи — олма бўлиши шарт.

Байрам кунини йигитлар икки гуруҳга бўлиниб, "Эчки тортар" уйнайди. Қизлар эса, миллий куй-қўшиқлар, баҳрибайт айтади.

КИТОВ JAVONINGIZGA

"ЁЛФИЗ"НИНГ ҚИСМАТИ

Н.Нуриллаева

"Жин урсин, қачон тугаркин бу бадабхт қора кунларим! Мен камзулим ёқасини кутариб, мушт қилиб тугилган қўлларини шиммининг чўнтагига тиқиб, катта-катта қадам ташлаб ёғиниб борарканман, ўзимнинг бадабхт тақдиримга лаънатлар ўқирдим. Кейинги саккиз ой ичида бир дақиқа ҳам хушбахт бўлолмадим-а, доим оч юрдим, азоб кечим, оқибат, чалажон ҳолатга туша бошладим. Бу ҳам каммак, қашшоқликда кун кечиршимга қарамай, мен виждонимдан, ҳе-хе, ҳамиша ва ҳар ишда виждоним пок!"



Мен Кнут Ҳамсуннинг ана шундай уй-ҳисларга тўла "Очлик" автобиографик асарини ўқидим. У инсондан жиддий руҳий тайёргарликни талаб қиладики, шай бўлмасанг ич-этингни еяверсан, қахрамонни аҳмоқликда айбламан, умуман, тақдиринг бу қадар оғир синовиёга дуч келмаган одам Кнутни тушуниши амримаҳол.

"Очлик" ўқувчи руҳиятини тафтиш этиб, ҳаётнинг турфа машаққатлари қаршисида ўзига баҳо беришга мажбурлайди. Очлик ҳар қандай тубанликка изн бериб тўйғуларни ҳам бир чақалик қилверганидан оғир ҳаёт ҳукми зўрради. Лекин очликнинг ҳар қанча азобиға

қарамай, асар қахрамони ўзини гуноҳлардан тияди...

Ўзвучининг болалиги ва ўсмирлиги қашшоқлик, очлик, хурликда ўтган. Очликдан қўтулиш учун Кнут Ҳамсун неки қора иш бўлса, барининг бошини тутди. Ўсмирлигиданоқ шу ботқоқдан қутулиш илнжигида шерьлар ёза бошлади. Улар турли газеталарда чоп этилишига қарамай, бундан келадиган қадим ҳақи вақтинчалик эҳтиёжларини қондиришига етарди, холос.

Тадиқотчилар романнинг модернистик жанр хусусиятини эътироф этиб, онг оқими йўналишини бошлаган берагани билан аҳамиятли эканини таъкидлайди. Асар ёзувчининг нафақат Норвегияга, балки бутун жаҳонга таътиди. Муҳит-

га бегоналашган, жамият ичра ўзини ёлғиз сезадиған қахрамон образи эътиборни тортиди.

Тўрт қисман иборат "Очлик"да, европада ИНСОН илк бор тақдир, қисмат, воқеалар силсиласида эмас, тўйғулар, кечинмалар орқали намойён бўлади. Асар қахрамони муттасил оч яхаси-да, бунда атрофдагиларни айбаламайди. Унинг ўйлариди чўқур мажозий маъно ифодаланган. Бош қахрамоннинг тарк этади. Виждонни қийналиб ўша 5 франкни бир эҳтиёжманда кампирга бериб юборди.

Бу пулни унга Яратганининг ўзи етказгандай, овқатланса бўларди, дейсан бектиёр. Бирор қахрамон ордан анча вақт ўтганига қарамай сотувчиға бу воқеани айтиб, ўзини жазолашни сўрайди. Бир томондан, унинг сабрига, бошқа жиҳатдан, шу қадар ёлғизлигига қарамай, атрофдагиларни кўмаганидан парҳез қилишиға ҳайрон қолади киши. Очлик муҳитга бегоналикни келтириб чиқарган. Ўта қийин ва оғир қисмат. Қалбини уйғотди, атрофга шафқат қўзи билан қарашга ундайди. Ўқувчининг қақрай бошлаган тўйғуларига обихаёт индиради, виждон отаб буюк тўйғунини кўнгириб қилиб уйғотди гўё.

MUTAXASSIS OGOH ETADI

ХУШЁРЛИККА НИМА ЕТСИН!

Ҳайрулло КАДИЁРОВ,

Сергеи тумани ЕХБ инспектори, сержант

Таҳлилларга қараганда, ўтган йили Сергеи туманида 172 та ёнғин содир бўлган. Иккита инсон ҳаётдан қўз юмган. Бир нафарига тан жароҳати етган. Ёнғиндан жабрланганлар 2 миллион 400 минг сум моддий зарар кўрган. Асқариёт ҳолларда ёнғинлар фуқароларнинг эътиборсизлиги,

хусусан, носоз электр ва газ лифталидан фойдаланиши оқибатида келиб чиқмоқда. Айрим хонадон эгалари электр симларини очик ҳолда қолдириши ёки табиий газни резина шланглар орқали ўтказиши. Бундай ўзибиларликнинг охири вой эканини аҳолиға доимо тушутирмайсиз.

Жорий йилнинг 10 январь кунини кеч соат 21:30 да бўлинмаизга қўнғироқ бўлди. Сергеи тумани, "Нилуфар" 2-тор кўчаси,

13-уй, 3-хонадон соҳиби газ қолдиргани моточиқига қўяётганида эҳтиётсизлиги тўғрисида қўнғир келиб чиққан. Жабрланувчи танасининг 70 фоизи қўнган.

Ёнғин хавфсизлиги юзасидан мунтазам тарғибот ишларини олиб боришимизга қарамай, баъзи фуқаролар барибир ўз билганидан қолмапоти. Оқибатини эса, юқоридаги нисолдан ҳам кўриш мумкин. Ҳақиша оғоҳ бўлайлик, азиз юртдошлар!

САБАБЧИСИ ЎЗИМИЗ

Х. Жўраев,

Тошкент шаҳар ИИБ АКТМ муҳандиси, сержант, А. МАҲМУДОВ, капитан

Халқимизда ўт бало-сидан, сув бало-сидан асрасин, дея тилдек билдирилади. Бонси бу икки офатга қарши туришга инсон баъзан оғирлик қилиши мумкин. Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги соҳасида бир қатор ишлар

амалга оширилмоқда. Фуқаролар билан олиб борилаётган учрашув ва суҳбатлар, амалий машғулотлар ўз самарасини бераётди.

Шунга қарамай, айрим одамлар онгда "Бунинг менга дахли йўқ", "қатардан йироқман" қабилидаги уй-фикрлар мустаҳкам ўрнашиб қолган. Ота-оналар фарзандларини ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик қандай аянчли оқибатларга олиб келиши ҳақида

мунтазам огоҳлантириши зарур. Мисолларга мурожаат қиламиз. Жорий йилнинг 27 февраль кунини Шайхонтоҳур тумани, Гулобод мавзесигаги 46-уйнинг томи ёнган. Натижада 1973 йилда туғилган Анварбек Йўлдошев кўйиш жанрaroҳати билан шифохонига ётқизилган. 1 март кунини Ошунсобога тумани, Ҳамкоробод 7-тор кўчаси, 42-уйда ҳам ёнғин содир бўлган. Олов 44 хонадоннинг томи қисминини қулға айлантирган.

Ёнғинларнинг сабабчиси, аввало, ўзимиз! Лоқайд бўлмайлик, юртдошлар.

Ноҳирабегим ИБРОҲИМОВА

ҚЎРҚУВ

— Энди ўқла, той-чоғим, — деб чирокчи ўчирди она. — Ойи, ўчирманг, илтимос! Қоронғуликдан жуда қўрқаман! — деди кўзлари оғир болакай.

БАТАН ВА СЕВГИ

Улар интернетда танишишди. Уч йиллик ёзишмалардан сўнг бир-бирисиз ашломасликларини тушунди. Бирор йигит билан қиз бир миллатга мансуб эмасди.

— Мен батанимни, уйимни ташлаб кетолмайман, — деди қиз. — Бирга бўлишимизни истасангиз, ўзингиз келинг! Шу ерда, менинг диёримда бир умр бахтли-саолатли яшаймиз...

Йигит кўп ўйланмади, дарров рози бўлди. Кўп ўтмай қизнинг ҳузурига келди.

— Сизга турмушга чиқолмайман, — деди қиз. — Батанимизда бир зумда кечган инсон менадан қанча вақтда кечиб кетаркан? Ортингизга қайтинг, киндик қонингиз тўкилган тупроқдан айрилманг.

ASLIYATDAN TARJIMA

АҚЛЛИ ҚУЁН

Араб тилидан Ирисаиди ДОСМАТОВ таржамаси.

ЭПТАК

Бўрининг онасидан мерос қолган кичкина томорқаси бор эди. У ҳар йили қарам етиштирар, ҳосил яхши бўлиши учун экинни эринмай парвариш қиларди.



Вақт ўтиб, томорқадаги қарамлар етилибди. Бундан хабар топган маккор қуён қизиқиб томорқага кирибди. Қарамлардан мазза қилиб ебди-ла, қорни тўйгач, димоғи чоғ бўлиб уйига қайтибди.

Бироздан сўнг бўри қарамлардан хабар олишга келибди. Қарасани, уларнинг сони камайиб қолган. Ҳайрон қолиб: "Қизик, томорқамга ким кирди экан?! Қарамларини ейишга кимнинг ҳақди сизди?! — деди узиға-ўзи. Ерда қуённинг оёқ изларини қўрғач, қўшинини жазолаш учун бир хийла ўйлаб топилди.

Дарров қаердандир қатрон олиб келиб, ундан боланинг ҳайкалчасини ясабди. Кўринишидан ҳам чиройли, ҳам қулғили бўлган ҳайкалчани қарамларга яқин жойга ўрнатиб қўйибди. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлибди. Томорқага киришга журъат қилган душмандан қасос олишга шай бўри секин уйига қайтибди.

Эртаси кунини қуён яна қарам ейиш учун бўрининг томорқасига кирди. Ям-яшил қарам поялари ёнида турган болани қўриб, унга табассум билан яқинлашибди. Аммо ҳайкал унинг саломига алик олмайди, ҳатто ранг-туси ўзгармабди. Қуён бундай ҳолатдан ҳайратланиб, қайта салом берибди. Бу сафар ҳам саломни аликсиз қолғач, болаға юзланиб: "Нега салом

берсам, алик олмайсан?" — дебди. Бирок ҳайкал яна индамасмиш. Бундан жаҳли чиққан қуён: "Ҳой бола, сени барибир алик олишга мажбур қилман!" — деди-у, ёниға бориб, чап қўли билан юзига урмоқчи бўлибди. Шунда қуён бирдан ҳайкалчаға ёпишиб қолибди. Қуён уринини тортиб олишга ҳарчанд уринмасин, бунинг улдасидан чиқолмабди. Шунда баттар ғазабланиб: "Ҳой инқик бола, қўлимни қўйвор! Йўқса, иккинчи қўлим билан тарсаки тушираман!" — дея бақирди.

Барибир ҳайкалдан садо чиқмасмиш. Қуённинг сабр кўсаси тўлиб, ўнг қўли билан шалапоқ тортибди. Шунда иккинчи қўли ҳам ҳайкалчаға ёпишиб қолибди. Қуённинг ҳуноби ошиб: "Эй бола, қўллари банд, энди ура олмайди, деб ўйлаясанми? Библи қўй, энди оёғим билан тепаман", — деб дағдаға қилибди. Ҳайкал жавоб қайтармабди. Шунда қуён ўнг оёғи билан тепмоқчи бўлибди ва ҳайкалга ёпишиб қолибди. Ўнг оёғини ажратиб ололмагач, чап оёғи билан тепишга шайланибди...

Тўрт оёғи билан ҳайкалчаға ёпишиб қолган қуён алаҳидан: "Ҳой бола, мени қўйиб юбор!"

Йўқса, ҳозир бошим билан урам!" — деб бақирди ва жаҳл билан калла солибди. Шунда боши ҳам ёпишиб қолибди...

Бироздан сўнг бўри етиб келибди. Қуённинг ҳайкалча ёпишиб турганини қўриб, қарамларини еб қўйган ғаламис устидан ғалаба қозонганидан хурсанд ҳолда уни маззах қила бошлабди.

Қуён қўриб кетибди. Бу ерга келганидан қаттиқ пушаймон бўлиб, бўриға ёлворибди: "Хато қилдим, кечир! Бу сафар қўйиб юбор, бундан кейин ҳеч қачон томорқангга қадам босмайман".

Хуллас, қуён бўриға қиммишдан пушаймон эканини тиймай тушутираверибди. Лекин бўрининг кўнгли юшамабди. Шунда қуён хийла йўлиға ўтибди. Бўриға қараб: "Жаноб бўри, энди мени нима қилмоқчисан?" — деб сўрабди.

— Гўштингни қовуриб ейман, — дебди бўри киноя билан. Қуён бу гапдан даҳшатта тушибди, лекин сир бой бермасдан қулиб: "Ҳа-ҳа-ҳа! Мен оловдан қўрқмайман! Утинни қалайвер, бўшамасдан ишни тезроқ бажар! Лекин айтиб қўям, тиканакзордан улғудек қўрқаман, нима қилсанг қил-у, мени чақалақзорға ташлама!" — дебди. Бўри бўлса:

— Сени оловда ёқмайман, тўппа-тўғри чақалақзорға равона бўласан! — деди мамнун оҳангда. Қуён яна сир бой бермасдан бақирибди:

— Бўри, жон бўри, бир сафаргина раҳминг келсин! Мени тиканакзорға ташлама!...

Бўри қуённинг хийласини пайқамай, уни ҳайкалчадан ажратиб олиб, тиканакзорға улоқтирибди. Қуён бўлса, шу заҳотиёқ жуфтакни ростлаб қолибди. Бўридан қутулганига ишонч ҳосил қилгач, орқасига ўтирилиб, уни маззах қилибди:

— Мени қўйворганинг учун катта раҳмат! Жонимни қутқардинг. Мен тиканакзордан қўрқмайман, чунки шу ерда тутилганман ва умримнинг охиригача шу ерда яшайман!

Уямдан қутулиб қолган қуён уша кундан эътиборан бўрининг полизига қадам босмайдиған бўлибди.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ
Қамолддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзабанов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Абдураҳмон Жўраев

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлбўзлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буғрича Г-336
Адаби — 27228
Буғрича тошқини ваёти — 21.50
Телефонлар — 21.10
Уш ақсон — 21.10